«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 7 июль ● сешанба ● № 29 (646) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

Тадбиркорлик — давлат ҳимоясида

Таъсирчан тарғибот самараси

ЖАМИЯТДА ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, турли соҳа вакиллари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишда адлия идоралари ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Адлия тизими фаолияти, хусусан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича ОАВда ёритилаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлиги йилдан-йилга яхшиланмоқда. Амалий тажрибалар ва бугунги кун талабидан келиб чиқиб айнан шу борадаги ҳамкорлик фаолиятида яна нималарга эътиборни кучайтириш, қайси жиҳатларни янада чуқурроқ ёритишга эҳтиёж сезилмоқда. Қуйида Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир САИДОВнинг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига ушбу қонун ҳужжатларини амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги қарори билан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органи функцияларидан бири — тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасидаги масъулиятли ишдир.

Бугунги кунда адлия органлари томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар аниқ белгиланган йўналишларда амалга оширилмоқда.

2 ➔

//Муносабат

Қалбимизни ғурур чулғади

МЕН келажакда ўз касбини пухта эгалаган, адолат ва чуқур билим, ўткир зеҳн билан иш кўрадиган ҳуқуқшунос бўлишни истайман. Бундай касб эгасининг аввало дунёқараши кенг бўлиши керак, деб ўйлайман. Бу эса мени кўп ўқишга, синчков бўлишга, халқимизнинг тарихи ва бугунини теран билишга ундайди. Тошкент юридик коллежида тажрибали, етук устозларимиз ҳам бизни шу азиз Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб улғайишимиз учун билим чўққилари сари етаклаб, сидқидилдан сабоқ бермоқдалар.

МУҲТАРАМ Юртбошимиз ҳар доимо биз ёшлар ҳақида қайғуриб, катта ғамхўрлик кўрсатиб келадилар. Билим олишимиз, юксак маънавиятли ёшлар бўлиб вояга етишимиз учун нимаики зарур бўлса, барча шароитларни яратишга бош-қош.

Куни кеча Президентимизнинг Наманган вилоятида ота-оналаримиз билан дилдан суҳбатлашганини кўриб, қалбимиз чексиз қувончларга тўлди. Коллежларда таълим олаётган тенгдошларимизнинг эртаси порлоқ эканини ҳис қилиб, дилимизни қанчалар ҳаяжон ва ғурур чулғади. Юртимиздаги коллежларни битирган ёшларни иш билан таъминланиши ҳақидаги сўзлар танлаган касбимга меҳримни янада ошириб юборди.

Она юртимиз иқболи иқтидорли, эл-юртига садоқатли, фидоий ёшларнинг истиқболида мужассам эканлигини ҳар бир тенгдошимиз чуқур англамоқда. Жонажон халқимиз, муҳтарам Юртбошимиз, бизга ёруғ умид билан таълим-тарбия бераётган устозларимиз, ота-онамиз ишончини албатта оқлаймиз. Муқаддас Ўзбекистонимиз келажагини буюк ва қудратли қилиб қура оламиз.

Отабек СОБИРОВ,
Тошкент юридик коллежи талабаси

Келажакка эътибор

МЕН ҲАМ ҳурматли Юртбошимизнинг ҳар бир чиқишларини диққат билан кузатишга ва у кишининг маърузалари мағзини чаққан ҳолда мушоҳада юритишга ҳаракат қиламан.



ТАБИИЙКИ давлатимиз раҳбари аксарият чиқишларида оналаримиз, опа-сингилларимиз — ўзбек аёлини юксакка кўтариш, меҳнатини қадрлаш, шароитларини яхшилаш, жамиятдаги фаоллигини улуғлашга эътибор қаратдилар. Ана шу эътибор эвазига бугун ўзбек аёли сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам олдинги ўринларда бўлиб, уларнинг бири сенатор, бири фермер, яна бири эса ўқитувчи, қолаверса, турли йўналишларда меҳнат қилмоқда.

Куни кеча ҳурматли Юртбошимиз Наманган вилоятига ташрифи чоғида ҳам жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида турли соҳа вакиллари билан учрашар эканлар, ёшларни, айниқса, коллеж ва лицейларни битираётган йигит-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Телевизор қаршисида ўтирар эканман Давлатимиз раҳбарининг мен каби ўзбек қизларига ишончи ва эътиборидан фахрландим.

Ҳар бир тенгдошим қалбини бахт туйғуси билан тўлдирадиган, келажакка ишончини орттирадиган ушбу фикрлар мазмунини теъран англаш ва бу эътиборга муносиб фарзанд бўлиш бугун ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи лозим.

Мен оддий ўзбек қизи сифатида бундай эътиборни юрақдан ҳис қилиб, мукаммал билим олиб, мустақил фикрлашга, дунёвий илмларни эгаллашга, замон билан ҳамнафас бўлишга ва энг муҳими ўзлигимни унутмасликка, Ватанимга содиқ ва муносиб фарзанд бўлишга ваъда бераман!

Гўзал ЭРГАШЕВА,
Миробод тумани
110-мактабнинг
9 "А" синф ўқувчиси

//Эътироф

КУНИ КЕЧА Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўзбек Миллий академик драмма театрида Тошкент юридик коллежининг 2009 йил битирувчиларига диплом топшириш маросими ўтказилди.

Битирувчиларга дипломлар топширилди

Бу йил юридик коллежни 1046 нафар ёшлар якунлаб, кичик ҳуқуқшунос даражасини олдилар

ТОШКЕНТ юридик коллежи Адлия вазирлиги тизимига кирувчи муассаса сифатида 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келиб, шу давр ичида 8000 дан ортиқ кичик ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланди.

Ҳозирда коллежда 4 та таълим йўналиши бўйича 3500 га яқин талаба таълим олмоқда.

Анжуманда 1046 нафар "Хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти", "Маъмурий-ҳуқуқий фаолият", "Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти", "Судларда ижро иши" йўналишларидаги битирувчиларга дипломлар топширилди. Улардан 34 нафари имтиёзли диплом соҳибига айланди.

Тадбирда таъкидланганидек, коллеж талабалари фан, таълим, спорт йўналишлари бўйича юқори ўринларни забт этиб, нафақат республикада, балки жаҳон миқёсида ҳам ўз иқтидорларини намоён этмоқдалар.

Шунингдек, коллеж ўқитувчи ва талабаларнинг билим ва тажрибаларини оширишлари ҳамда халқаро тажрибаларни амалда қўллаш мақсадида, 2009-2010 ўқув йилларида Россия, Германия, Корея давлатларининг ҳуқуқ йўналишидаги ўқув муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ақида СУЛТОНОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

//Миннатдорчилик

Адолат қарор топди

Бундан оиламиз билан хурсандмиз

ҲУРМАТЛИ тахририят!

АДОЛАТСИЗЛИК нималигини бошингдан ўтказганингдан сўнг биларкансан. 2002 йил Урганч тумани, "Оқ олтин" жамоа хўжалиги ҳудудидаги ҳаммомни Алишер Соттибоевдан сотиб олдим. Уни қонунийлаштириш мақсадида туман ҳокими Б.Матёқубовга ариза билан мурожаат қилдим. Ҳоким аризамни ўзининг биринчи ўринбосари М.Матризаевга топширди. Ҳақиқий "ўйин" ана шундан сўнг бошланди.

Яъни, аризам коптоқ қилинди. Ҳатто ўзим сотиб олган бинога ўзим эгалик қилолмай қолдим. Шундан сўнг яна туман ҳокими Б.Матёқубов қабулига кирдим. У яна "ишингиз ижобий ҳал бўлади", деб қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмади.

Кўп ўтмай у ишдан бўшаб, унинг ўрнига туманга Ш.Рустамов ҳоким бўлиб келди. Унга ҳам бўлган воқеани айтиб, ариза билан мурожаат қилдим. У ҳам "ишингиз ижобий ҳал бўлади" деб қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмади. Аризам ижобий ҳал бўлишига кўзим етмагач, Сизларга мурожаат қилдим.

Газетанинг шу йил 31 март сонида журналист А.Собировнинг "Одамлар нима дейди?" мақоласи чоп этилди. Шундан сўнг менинг ишим ижобий ҳал бўлди.

Адолатнинг қарор топишида ёрдам берган "Инсон ва қонун" газетаси ижодий жамоасига оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Кўзибой ЙЎЛДОШЕВ,
Урганч тумани
Юқорибоғ қишлоғи

ОҲАНГАРОН тумани прокуратураси томонидан "Илгор нурли замин" фермер хўжалиги раҳбари Н.Эрматовнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдони бошқа хўжаликка ноқонуний бирлаштирилганлиги ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Қарор юзасидан протест

АНИҚЛАНИШИЧА, Оҳангарон тумани ҳокимининг 2008 йил 17 ноябрдаги 407-9-сонли қарори билан "Эрмат барака ифтихори" фермер хўжалигига 15,3 гектар ер майдони қўшимча равишда ажратилиб, фермер хўжалигининг умумий ер майдони жами 33,8 гектар этиб белгиланган.

Ушбу қарорларни қабул қилишда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини реализация қилиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан ер майдони ажратишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинмаган.

Текшириш натижасига кўра, туман ҳокимининг 2008 йил 17 ноябрдаги 407-9-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида протест келтирилди.

А.ЮНУСОВ,
Оҳангарон тумани прокурори

Моддий ёрдам кўрсатилди

қурилиш материаллари ажратилди

ПАХТАЧИ тумани ҳокимлиги томонидан фуқаролар — О.Исканова ҳамда О.Шукурованинг аризаси ўрганиб чиқилди. Ҳар икки фуқарога туман ҳокимлиги томонидан зарар кўрган уй-жойларини тиклаб олишлари учун 1,5 тонна цемент ҳамда пойдевор кўтариш учун тумандаги "Гранит" АЖ корхонаси томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида қурилиш материаллари, яъни (тош) етказиб берилди.

ЯНГИОБОД маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 45 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди ҳамда тумандаги ташкилотлар томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида чора-тадбирлар белгиланди.

З.ЁДГОРОВ,
Пахтачи тумани
ҳокимининг биринчи ўринбосари

Жиноят иши қўзғатилди

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда

ҚАШҚАДАРЁ вилояти прокуратураси органлари томонидан Касби тумани "Чилимбош" қишлоғида яшовчи фуқаро Б.Қурбонованинг аризаси кўриб чиқилди.

МАЗКУР ҲОЛАТ юзасидан Касби тумани ИИБ ТБ томонидан 2009 йил 5 май куни фуқаро Ж.Сафаровга нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, айни пайтда жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича фуқаро Б.Қурбоновга маълум қилиниб, келгусида қўшимча ва эътирозлари бўлса жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилишини ташкиллаштирган туман ИИБ ТБга мурожаат этишга ҳақли эканлиги тушунтирилди.

М.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти
прокурори ўринбосари

Таъсирчан тарғибот самараси

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Маълумки, Президентимизнинг *2009 йил 15 майдаги* ***"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"***ги Қарори билан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан амалга оширилиадиган доимий мониторингни кучайтириш вазифаси юклатилди. Бу эса шу йўналишдаги фаолиятимизни янада кенгайтириш, тадбиркорларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш усулларини тубдан такомиллаштиришни, тегишли давлат органлари билан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шубҳасиз, бундай ҳамкорликлар самарали кечишини ОАВ кўмагисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, адлия идоралари томонидан жорий йилнинг 1-чораги давомида оммавий ахборот воситалри орқали 280 маротабадан зиёд тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Аввало тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари катта ёрдам бераётганлигини мамнуният билан қайд этишни истардик. Шу билан бирга одамларнинг қарашлари, тафаккури, онг ва билимлари ошишида энг таъсирчан восита бўлган ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигимиз кенгайиши янада ижобий самаралар беради, албатта. Шу нуқтаи назардан айрим фикр-мулоҳазаларни билдириш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман.

ОАВ — кенг жамоатчилик минбари, жумладан, унда мутахассис-ҳуқуқшунослар, идораларнинг масъул ходимлари ҳам фаол иштирок этадилар. Ҳуқуқшунос-журналистларнинг чиқишлари ҳам эътиборни тортади. Хуллас, мавзуга оид ёритилган ҳар бир материалнинг ўзи ҳуқуқий тарғибот тадбирига айлана олса, деймиз. Кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар билан танишиб, журналистларимиз ҳам шунга интилаётгани, шу эзгу мақсад билан ижод қилаётганини кузатасиз. Демак, озми-кўпми тажриба, қилинаётган аниқ ишлар бу хусусда фикрлашга, маълум хулоса ва таклифларни ўртага ташлашга ундайди. Қолаверса, иш фаолиятимиз давомида бундай тарғибот ишлари юзасидан мавжуд ижтимоий заруратдан келиб чиқиб фикр-мулоҳазалар туғилиши табиий.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ҳужжатлари доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётганилигидан келиб чиқиб, тайёрланадиган материаллар орқали бу нормаларда тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва яратилаётган имкониятлар мазмун-моҳиятини тушунтириш муҳим жиҳатдир.

Ушбу қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан ёки тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда шакллантирилган ҳимоя тизими ва уни янада такомиллаштириб борилаётганининг ёритилиши ҳам тадбиркорларнинг бу борадаги билимларини оширади.

Шу ўринда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳаётий мисоллар билан таҳлилий ёритилишини назарда тутиш жоиз деб ўйлаймиз.

Дейлик, улар фаолиятидаги мавжуд муаммолар, учраб турадиган тўсиқлар ҳақида бу муаммо ва тўсиқларларни категорияларга ажратган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан:

— тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишдаги, уларни турли коммуникация тармоқларига уланишларидаги муаммолар, бунда улардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ёки ортиқча маблағлар ундирилиши, уларнинг бу мазмундаги мурожаатларини кўриб чиқмаслик ёки муддатида кўриб чиқилмаслик ҳолатлари *(Ўрганишларда 2009 йил давомида 1003 нафар тадбиркор ҳуқуқи бузилганлиги аниқланган);*

— давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар, уларнинг ҳуқуқларини чекловчи ноқонуний қарорлар қабул қилишлари;

— назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилаётган текширишларда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилиши *(Жумладан, ўтказилган ўрганишларда назорат қилувчи органлар томонидан 2008 йил иккинчи ярмида 19 та ҳолатда ва 2009 йилнинг ўтган даврида 4 та ноқонуний текшириш ўтказилганлиги, 521 та ҳолатда эса текширишлар ўтказиш тартиби бузилганлиги қайд қилинди);*

— фаолиятнинг айрим турлари учун бериладиган лицензияларни олиш борасидаги муаммолар, лицензия берувчи органлар томонидан лицензия олган субъектларда ўтказилаётган ноқонуний текширишлар;

— тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилишида ҳамда бошқа банк хизматлари кўрсатилишида аниқланаётган қонунбузилиш ҳолатлари;

— тадбиркорлик субъектларига ер, бўш бино ва иншоотлар ажратилишидаги мавжуд муаммолар;

— тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар қабул қилинишида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатлари, улардан ортиқча ҳисоботлар ёки ҳисоботларда ортиқча маълумотлар талаб қилиш ҳолатлари;

— қонун ҳужжатлари билан берилган имтиёз ва имкониятларни тадбиркорларга қўлламаслик ёки тўлиқ миқдорда қўлламаслик ҳолатлари ва бошқа ҳолатлар хусусида тўхталиш мумкин.

Айтайлик, 2009 йилнинг 5 ойи давомида ўтказилган ўрганишларда лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнида 946 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги, тадбиркорлик субъектларига ер, бўш бино ва иншоотлар ажратилишида 1212 та, улардан ортиқча ҳисобот ёки ҳисоботларда ортиқча маълумотлар талаб қилинган 134 та, кредитлар ажратилишида ва бошқа банк хизматлари кўрсатилишида 1016 та қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Яна бир нарсани айтиш жоиз. Бу ўринда ОАВнинг роли бирор тизим фаолиятини ёритиш билан бирга кенг жамоатчиликнинг, хусусан, шу тизим фаолияти билан боғлиқ соҳа вакилларининг ҳуқуқий билимини ошириш, айнан қаламга олинган мавзу ҳақида тўлароқ тасаввур, тушунча уйғотиш энг муҳимдир, деган фикрдамиз. Айтайлик, бирор тадбиркорнинг ҳуқуқи қай тарзда бузилган ва бу ҳуқуқ мазмуни асли нимадан иборат эди, яъни амалда қандай бўлиши керак эди, каби саволларга таҳлилий ёндашилса, шу материал билан танишган кишининг озми-кўпми ҳуқуқий саводи ошади. Бундай материал энг фойдали ҳуқуқий тарғибот манбаига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, ОАВ вакиллари билан ҳамкорликда, юқоридаги йўналишларга қаратилган амалиётни янада кенгайтириб боришимиз, ўйлайманки, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятимизга, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қабул қилинган қонун ҳужжатларини янада тўлиқ ва аниқ ижро этилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалишига яқиндан амалий ёрдам беради.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган йиғилишида қилган маърузасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида тўхталиб, "жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этишини", янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромади асосан улар улушига тўғри келиши кераклигини, бу ўта муҳим аҳамият касб этадиган принципиал масала эканлигини таъкидлагани бежиз эмас.

Шунингдек, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани бу борадаги фаолиятимизни мунтазам кенгайтириш, ҳар томонлама зарур чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Шокир САИДОВ,
Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи

БУГУНГИ кунда тадбиркорлик фаолияти ҳамда фермерликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини рағбатлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Қарс икки қўлдан

Қўшимча имтиёз ва кенг имкониятлар амалда

УШБУ йўналишдаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши, улар ижросини тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани кутилган натижаларга эришишда энг муҳим мезон бўлаётир. Бу эса ўз навбатида жойларда ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарали ташкил этилишини ҳам тақозо қилади. Аввало ҳар бир қонун ҳужжатининг мақсади, уни қабул қилиш билан соҳага оид қандай ҳаётий эҳтиёж ечим топиши ҳақида атрофлича тушунча ва тасаввур уйғотиш, мутасаддди ташкилотлар, масъул шахслар зиммасидаги вазифаларни тўлиқ англаб етишига эришиш зарур, албатта. Шу мақсадда Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан ҳамкорликда белгиланган аниқ режалар асосида фаол тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар режасига мувофиқ амалий ишлар қилинмоқда. Шунингдек, мазкур Қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги **"Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижроси юзасидан ҳудудларда семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш бўйича тузилган республика ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси шундаки, юқорида номи келтирилган идоралар ва бир қатор қўмиталарнинг масъул ходимлари, мутахассисларидан иборат ушбу гуруҳ аъзолари жойларда тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда мазкур ишчи гуруҳи томонидан ташкил этилган семинарлар, давра суҳбатларида вилоятлар, туман ҳокимликларининг тегишли бошқарма ва инспекциялари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Даваархитектқурилиш" қўмитаси, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбар ходимларининг юқорида қайд қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини, амалиётда тўғри қўллаш тартибларини чуқур ўзлаштиришларига жиддий эътибор қаратилди. Жонли мулоқотлар, савол-жавобларда уларнинг билимлари мустаҳкамланиб борди.

Ушбу тадбирларнинг марказий ва маҳаллий телевидение каналларида ёритилганлиги уларнинг таъсирчанлигини янада оширди, деб ўйлаймиз. Албатта бу тадбирлар орқали тадбиркорлар ўзларига берилаётган имтиёзлар, имкониятлардан фойдаланишларида юзага келиши эҳтимоли бўлган ортиқча оворагарчиликлар, уларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ҳам назарда тутилди. Масалан, Президентимизнинг юқорида зикр этилган Қарорида **"тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан, 2 баробари миқдоригача пасайтириш"** белгиланганлигини етарлича тушунмаслик амалиётда эски тартибда бож ҳақи ундирилишига сабаб бўлиб қолади. Хусусан, бошқармамиз томонидан жойларда ўтказилган ўрганишларда шу ёки шунга ўхшаш ҳолатлар борлиги аниқланганини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Демак, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бевосита уларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш амалиётига масъул бўлган идора ва ташкилотлар мутасадди ходимларининг бу борадаги билим, кўникмаларини мустаҳкамлаб боришни тақозо этади. Бундай семинарлар, давра суҳбатлари тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳам самарали, эркин фаолият юритишида йилдан-йилга соддалаштириб келинаётган тартиб ва қоидалар, қулайликлардан ҳеч қандай монеликсиз фойдаланишларига хизмат қилади. Зеро, барча қулайликлар, имкониятлар соҳани тараққий эттириш орқали иқтисодиётимизни юксалтиришга қаратилган. Кези келганда жорий қилинган ҳуқуқий нормаларга риоя этилмаслиги, айрим масъул шахслар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилишининг салбий оқибатлари хусусида шу нуқтаи назардан қаралиб, тушунтиришга ҳам аҳамият берилди. Бинобарин, Президентимизнинг мазкур Қарорида ҳам **"жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларини тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминлаш"** белгиланганлиги бу масалада жавобгарлик муқаррар эканлигини англатади.

Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартиби ҳам шу йўналишдаги фаолият учун қулайликлар яратиш, ортиқча оворагарчиликларсиз, қоғозбозлик ташвишларига чек қўйиш, харажатларни тежаш мақсадларида жорий этилаяпти. Халқона ифодалаганда, эндиликда уларнинг бу масалада бир неча идоралар эшигини қоқиб юришларига ҳожат қолмайди. Иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, ташаббускор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, кенг фаолият юритишларига кенг йўл очишнинг ижобий самарасини ҳаётий мисоллар ёрқин акс эттириб турибди.

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ,
Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Матбуот анжумани ўтказилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА "Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адлия идораларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

АНЖУМАНДА мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари, бу борадаги қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича Адлия вазирлиги томонидан қилинаётган ишлар хусусида сўз борди. Журналистлар шу мавзуга оид ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоблар олишди.

Шунингдек, матбуот анжуманида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, уларга банк хизматлари кўрсатилиши, лицензия беришда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари мавжудлиги ҳам қайд қилиниб, адлия идоралари томонидан шу юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида маълумотлар берилди. Иштирокчилар мазкур йўналишдаги амалий тажрибалар ва ютуқлар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ҳимоя

Фуқаролар мурожаатлари

Уни кўриб чиқиш асослари

ФУҚАРОЛАРНИНГ давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаатлари айнан инсон ҳуқуқлари устуворлиги, ҳар бир шахснинг давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги конституциявий принципларни амалга оширишни кафолатлашга қаратилган.

ФУҚАРОЛАРНИНГ мурожаат этиш ҳуқуқи Бош қомусимизнинг 35-моддасида мустаҳкамланиб, унга кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир дейилган.

Таҳлилларга кўра бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида 16 та қонун, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 20 дан ортиқ қарорлари ҳамда 10 га яқин меъёрий норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этишга оид конституциявий қоидани амалга оширишни таъминловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, давлат органларининг фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Мазкур Қонун фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишга оид қоидаларни мустаҳкамлайди. Ушбу Қонуннинг амал қилиш доираси юқорида назарда тутилган субъектлар билан чекланмайди, балки Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилотлар учун ҳам амал қиладиган умумий қоидаларни белгилайди.

Ушбу Қонунда белгиланган тартиб асосида мурожаат этиш ҳуқуқидан Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ҳамда қонун олдида тенг ҳисобланиб, улар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади. Фуқароларнинг оғзаки мурожаати унинг ёзма тарздаги мурожаати билан бир хил аҳамиятга, яъни мақомга эгадир. Мурожаат қилишда оғзаки ёки ёзма шаклини ўзгартириш бўйича талаб қўйилиши мумкин эмас.

Мурожаатни кўриб чиққан давлат органи ва унинг мансабдор шахси учун эса ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ёзма шаклда жавоб бериш мажбурияти белгиланган.



Фуқароларнинг мурожаатлари давлат органларида белгиланган тартибда умумлаштирилиб, таҳлил этиб борилиши муҳимдир. Зеро, мурожаатларнинг таҳлили фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, амалиётда такрорий мурожаатлар кўпайишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида фуқаролар мурожаатларининг ваколатли давлат органлари томонидан ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши ҳамда улар юзасидан қонуний қарорларнинг қабул қилиниши — инсон ҳуқуқларини таъминлаш асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Отабек УРУНОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Юрт равнақи – олий мақсад

ЖАМИЯТДА ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш борасида Адлия вазирлиги масъул ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ЯҚИНДА Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Избоскан хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида "Юрт равнақи – олий мақсадимиз" мавзуида семинар-йиғилиш ўтказилди.

Учрашувда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунларимизнинг аҳамияти, адвокатуранинг жамиятдаги ўрни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби мавзулар ҳусусида сўз юритилди, мутахассисларнинг чиқишлари тингланди.

Тадбир қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтказилди.

Мехрибон АББОСОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Трансмиллий жиноят

БУХОРО вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Ромитан тумани ҳокимлигида "Одам савдоси — трансмиллий жиноят" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

УНДА бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланган одам савдоси жиноят, унинг салбий оқибатлари, бу турдаги жиноятларга қарши курашиш йўллари, чоралари ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикасининг **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуни ҳамда мамлакатимиз Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳияти мутахассислар томонидан иштирокчиларга муфассал тушунтириб ўтилди.

Дилшод НАИМОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Иқтисодий барқарорлик йўлида

ЯНГИЕР шаҳридаги "Бинокор" маҳалласида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўрганиш юзасидан тадбир бўлиб ўтди.

АДЛИЯ бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ва шаҳардаги ҳуқуқ-тартибот ходимлари иштирок этган давра суҳбатида юртбошимиз асарининг аҳамияти, уни ўрганиш зарурати ва бу борада ёшлар муносабатини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳусусида сўз борди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳоли манфаатлари ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган аниқ мақсад-вазифалар, уларни амалга ошириш ва бу каби ишлар иқтисодиётимизни инқироз ҳолатидан жиддий йўқотишларсиз олиб чиқишга имкон бериши ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот бердилар.

Рашида СОЛИЕВА,
Янгиер шаҳри ФҲДЁ бўлими мудири

Имконият

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда тадбиркорлик кичик бизнесини изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг 2007 йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатланмаган алкоголли маҳсулотлар кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш, чакана савдонинг белгиланган талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш талаб қилинади.

Қонун доирасида

Солиқ имтиёзи тадбиркорга кенг йўл очмоқда

УШБУ қулай имкониятлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини камайтириб, ишбилармонларимизнинг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши учун кенг йўл очиб бермоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори бу борадаги соҳа истиқболи сари ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатга асосан, тадбиркорларга бир қатор солиқ имтиёзи берилиб, кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва шу орқали унинг иқтисодиётимиздаги ролини оширишга кенг имкониятлар яратилди. Тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самарасини Жиззах вилоятида балиқчиликни ривожлантириш мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлида вилоятда 340 гектарлик сунъий кўлда балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилган. Бунинг учун 19 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Ҳозиргача ўз фаолиятини бошлаган Жиззах туманидаги "Учтепа балиқ", "Жиззах балиқ", "Маматқул" фермер хўжаликларининг сунъий кўллари ҳажми 50 гектардан ошди.

— Очиғи, иш бошлаганимда, бир оз иккиланган эдим дейди, — "Маматқул" фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Пайзиқулов. — Аммо тадбиркорликка бўлган алоҳида эътибор, айниқса, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича берилаётган имтиёзлар энди иш бошлаган ишбилармонларга жуда катта мадад бўлмоқда.

Ҳозирда Фориш тумани балиқчилик йўналишидаги яна 5 та фермер хўжалигининг 200 гектар майдонда балиқ қўпайтирилмоқда. Йил охиригача янгидан барпо этилган сунъий кўлларда етиштирилаётган балиқ миқдори икки баробар ортиши, бундан ташқари, юзлаб янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Гулчеҳра УРДУШЕВА,
Жиззах ДСБ Ахборот хизмати раҳбари

ноқонуний савдонинг олди олинмоқда

ВИЛОЯТИМИЗДА ҳам ишчи органларига келиб тушган хўжалик юритувчи субъектларнинг аризалари белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, вилоят комиссиясига тақдим қилинди. Мазкур комиссия томонидан 307 та савдо шохобчаси (249 та дўкон ва 58 та ошхона)га алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи янги намунадаги махсус лицензиялар берилди. Апрель ойида алкоголь маҳсулотлари савдосидан банк кассаларига 2038,6 миллион нақд пул тушуми кирим қилинди. Давлат солиқ идоралари томонидан вилоят ҳудудига алкоголли маҳсулотларни ноқонуний равишда муомалага киритишнинг олдини олиш борасида 33 маротаба рейд ва қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Натижада 1 та ҳолатда НКМдан фойдаланмаслик ва 32 ҳолатда ноқонуний равишда 7762,3 минг сўмлик спиртли ичимликлар билан савдо қилиш ҳолати аниқланди. Ҳонқа тумани Қорақош қишлоғида яшовчи фуқаро Анажон Қўчқорова туман ҳокимлиги ва туман Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан ва алкоголли маҳсулотларни сотиш учун махсус рухсатнома олмасдан савдо фаолияти билан шуғулланиб, фуқаро Ф.Шеровга «Медовая» арағини 3200 сўмдан 6400 сўмгача бўлган нархда сотаётганлиги аниқланди. Ноқонуний фаолият юритаётган фуқарода 6,2 миллион сўмликдан зиёд 2969 шиша ароқ, 267,6 минг сўмлик 138 та вино ва 77,2 минг сўмлик 80 та пиво мавжуд экан. Президентимизнинг юқорида қайд этилган Қарорига асосан алкоголли маҳсулотлар билан шаҳарларда камида 25 квадрат метрли, қишлоқ жойларда камида 15 квадрат метрли савдо зали майдони бўлган (фақат алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишга мўлжалланган), чекка тоғли туманларда — алоҳида савдо секцияси бўлган, алкоголли маҳсулотларни сақлаш ва сотишнинг санитария нормалари ва қоидаларига (шу жумладан, назораткасса машиналарини қўллаш шартларига, моддий бойликлар тўлиқ даражада сақланиши таъминланишига) мувофиқ бўлган омбор бинолари ва асбоб-ускуналари бўлган турғун савдо шохобчасида чакана савдо қилиш мумкин. Бундан ташқари, турғун савдо шохобчалари ўқув, мактабгача ва диний муассасалардан камида 500 метр узоқда бўлиши, жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан метрополитен бекатлари ёнида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудларида, шунингдек, муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга туташиб кетган ҳудудларда жойлашмаслиги керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги **«Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган 34 та текшириш ва рейднинг барчасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ноқонуний муомалага киритилганлиги, тегишли рухсатнома ва кирим ҳужжати йўқлиги учун 7 миллион 803 минг сўмлик 1840 литр спиртли ичимликлар ҳужжатлаштирилиб, савдодан олиб қўйилди.

Хоразм вилояти Давлат солиқ органлари ходимлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, сифатсиз ва контрабанда йўли билан олиб келинган алкоголли маҳсулотлар сотилишига йўл қўйилмаслиги учун назоратни кучайтирган. Шунингдек, алкоголли маҳсулотлар савдосидан солиқ тўловлари ўз вақтида тўлиқ тушиши учун зарур чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Қудрат ЭГАМБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Нигоҳ

Жаҳон парламентарийси

Германия мисолида

КИШИЛИК ЖАМИЯТИ пайдо бўлибдики, инсоният давлат тузуми, бошқарув ва жамият такомиллашувига интилиб келади. Бугунга келиб турли жамиятлар сиёсий тизими бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўппартиявийлик билан характерланади. Аммо жаҳон демократик тараққиёт тамойиллари ривожи шуни кўрсатмоқдаки, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда демократик жараёнлар тезроқ ривожланади.

ЖАҲОН тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, давлатлар ичида биринчи бўлиб Германия Федератив Республикаси ўз Конституциясида партиялар тўғрисидаги умумий қоидаларни қонунлаштириш ва янада аниқлаштириш йўлини тутди. Бу мамлакатдаги сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, уларнинг вазифаси, ички тузилиши, қоидалари, сайловларда иштирок этишининг йўл-йўриқлари, сайловолди харажатларини қоплаш ҳамда молиявий маблағларни сарфлашга доир ҳисоботлари, партиялар фаолиятини антиконституциявий мотивлар бўйича тақиқлаш каби меъёрларнинг бир маромда ишлашини тартибга солиб туради.

Германия сиёсий партияларининг ривожланишига 1966 йил Федерал коституциявий суд томонидан сиёсий партияларни молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлиги катта аҳамият касб этди. Мавжуд конституциявий ҳуқуқий ҳолатга кўра, сиёсий партиялар ўз фаолиятини солиқ тушумлари асосида молиялаштиришга даъвогарлик қилиб, бу ўз вақтида Бундестагда партиялар томонидан эга бўлган мандатлар ҳисобидан амалга оширилиши лозим эди.

Германия конституциявий ҳуқуқи сиёсий партияларнинг давлат таъсиридан ҳоли бўлишини, чунончи, уларнинг халқ иродасини намоён этадиган орган сифатида шаклланишини қувватлайди. Германияда тавсифланишича, партиялар — бу шундай сиёсий ташкилотки, унда етакчи шаклланади, унинг номзоди ўрганилади ва у давлат бошқарувининг юқори лавозимларига тавсия этилади. Бу эса давлат вакиллик ва бошқарув органларига ўтказиладиган сайловларда айнан халқнинг сиёсий иродаси давлат иродаси билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Конституцион суд эса партиялар сайлов курашини олиб бориши давомида доимий равишда давлат бюджетидан молиялаштириш зарурлигини ёқлайди. Мазкур масала ҳозирда ҳал этилиб, сиёсий партияларни молиялаштирилиш амалиёти қўлланиб келинмоқда. Масалан, Бундестагга бўлган сайловларга бир овозга эга бўлиш учун оддий фуқаронинг 2,5 немис маркаси, кейинги босқичларда эса 5 маркаси сарф этилади.

Германия Федератив Республикасининг Асосий қонунига мувофиқ партиялар ҳукумат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

"Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунда партияларнинг кенг кўламли вазифалари аниқлаштирилган. Яъни партиялар зиммасига жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир ўтказиш, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишига ёрдам бериш, муносиб фуқароларни сиёсий лавозимларни эгаллаш учун тайёрлаш, сайловларда давлат миқёсида, федерал ўлка ва айрим жамоалар даражасида номзодлар кўрсатиш жараёнларида иштирок этиш, шунингдек, парламент ва ҳукуматдаги сиёсий вазият ривожига таъсир кўрсатиш вазифалари юкланади. Шу билан бирга партиялар сиёсий мақсадларни ишлаб чиқиб, уларни дастурларда мустаҳкамлайдиган йирик оммавий партияларга бирлашадиган ўз аъзолари манфаатларини ифода этади.

Шу ўринда улар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳар доим ҳам қонуний кучга эга бўлавермаслигини таъкидлаш лозим, аммо улар кўп ҳолларда қонун орқали амалиётга жорий этилиши ҳам мумкин.

Зеро, қонуннинг устуворлигини таъминлаш, демократиянинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Қонунга итоат қилинган жамиятдагина демократия қарор топади ва барқарор ривожланади.

Ҳаётхон КЎЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Инқироз ва тараққиёт

АНДИЖОН вилояти адлия бошқармаси томонидан Андижон 2-маиший хизмат касб-ҳунар коллежида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобидаги қоидалар ва хулосаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан семинар ташкил этилди.

УНДА жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш учун республикамизда зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга ошириш лозимлиги, шунингдек, Президентимизнинг ушбу асарида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш, орқали самарали натижаларга эришиш мумкинлиги таъкидланди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Прокуратура назорати

Дарслар тақсимоти нега бузилди?

Муҳандис тарихдан, ўрта махсус маълумотли ўқитувчи иқтисодиётдан дарс бергач...

АРНАСОЙ тумани прокуратураси томонидан ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 9 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра, қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 16 та тақдимнома киритилди.

ФУҒАРОЛАР ва корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиб, 75 та 31214 минг сўмлик даъво аризалари киритилиб, етказилган 3630 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилди.

Текширишлар самарадорлиги 23,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 5,4 фоизга ошишига эришилди. Мисол учун туман прокуратураси томонидан қонунлар ижроси устидан назорат тартибида Ўзбекистон Республикасининг **"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"**ги Қонуни, Президентимизнинг **"Банклардаги депозит ҳисоб варақларидан накд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"**ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **"Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори ижросининг бажарилиши юзасидан тижорат банкларидан олинган маълумотлар асосида жойларда мониторинглар ўтказилганида жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, туман "Машина трактор парки" акциядорлик жамиятида 33 нафар ишчи-хизматчи учун ҳисобланган иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги оқибатида 2009 йил 1 январь ҳолатига жами 11.199.120 сўмлик муддати ўтган иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Арнасой тумани халқ таълими бўлими ва унга қарашли таълим муассасалари ходимларининг 2008 йил декабрь ойи учун 38.838 минг сўм миқдордаги иш ҳақи АТ "Пахта банк"нинг Арнасой тумани бўлимига ўтказиб берилишига қарамасдан, банк маъмурияти ушбу маблағларни накд пуллар билан ўз вақтида таъминламасдан, 2008 йил декабрь ойининг 28 кунига қадар асоссиз равишда кечиктириб берган.

Туман прокуратурасининг 2009 йил 1-ярмига белгиланган иш режага мувофиқ, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан "Таълим тўғрисида"ги қонун ижроси ва бюджетдан ажратилган маблағлар мақсадли ишлатилишининг қонунийлиги юзасидан тумандаги иқтисодиёт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежларида соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда текшириш ўтказилди.

Туман иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи "Ғолиблар" қўрғонида 450 ўринга мўлжалланган замонавий услубда қурилган бинога эга бўлиб, 2002 йил сентябрь ойида ишга туширилган.

Коллежда махсус ва фан ўқитувчиларига дарслар тақсимоти таҳлил қилинганида Б.Тожиев маълумоти ўрта махсус жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлсада, чақириққача ёшларни тайёрлаш фанидан, Ғ.Қодиров мутахассислиги муҳандис-инженер бўлсада — тарих, ва махсус фанларидан Ғ.Бойназаров маълумоти ўрта-махсус бўлсада — 13 та гуруҳда иқтисодиёт фанидан дарс бериб келган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

2007-2008 ўқув йилида касб-ҳунар коллежини 213 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 120 нафари эгаллаган касби бўйича, 82 нафари бошқа йўналишдаги касб бўйича ишлаётганлиги ҳақида ҳисоботлар юритилган бўлсада, ўқувчиларнинг ишга жойлашганлигини тасдиқловчи маълумотномалар тўлиқ жамланмаган.

Туманимиздаги ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи 2008-2009 ўқув йилида фойдаланишга топширилган бўлиб, 280 нафар ўқувчи қабул қилинган.

Коллежда фан ўқитувчиларига дарс соатлари мутахассисликлар бўйича тақсимланиши таҳлил этилганида айрим фан ўқитувчиларига мутахассислиги тўғри келмасада, дарс соатларининг ўтилишига йўл қўйиб келинган.

Коллежда фан ўқитувчилари етишмаслиги туфайли "Хорижий тиллар" бўйича 1672 соат, "Ахборот технологиялари" фани бўйича 10 соат, "Кимё лабораториялари" бўйича 144 соат ҳамда коллеж ихтиёридаги 90 соат дарс соатлари ўтилмасдан келинганлиги текширишларда аниқланди.

Коллежда фанларнинг ихтисослашуви бўйича тузилган кафедраларнинг иш режалари бажарилиши назоратга олинмаган. Фан ўқитувчилари томонидан бошқа фан ўқитувчиларининг дарс ўтиш услуби ва ўзаро таҳлили амалга оширмасдан келинган. Текшириш натижаларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасига тақдимнома киритилиши, касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари И.Қаюмова ва Л.Муҳаммадиевалар қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантириш, иқтисодиёт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежларининг 10 нафар гуруҳ раҳбарига нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Арнасой тумани прокурори

2001 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган "Стратегия-цивилизация, гендер, барқарорлик" нодавлат нотижорат ташкилоти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 7 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 464-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

***

1993 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган "Маърифат" халқаро жамияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 7 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 51(268)-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

***

1998 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2009 йил 19 июндаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 342-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Бугун: Маънавиятимиз муаммолари

“От! Ўлдир! Ўғирла!”

Сенга нима бўлди болакай?

Бўрон қаршисидаги гул

ЯҚИНДА пойтахтимизнинг гавжум интернет-кафеларидан бирига кирдим. Узоқ уринишдан сўнг сайтларнинг биридан ниҳоятда камёб китобнинг электрон нусхасини кўчириб олдим. Ана шунда интернетни ўйлаб топган одамга чин дилдан раҳмат айтгим келди. Бу беминнат дастёрнинг хизматидан хурсанд бўлиш баробарида, интернет-кафедаги компьютер экранлари қаршисида “михланиб” ўтирган ўсмир йигит-қизлар ва болакайларнинг қандай машғулотлар билан бандлигини кузатдим.

Тўғриси, бундай бўлади, деб ўйламагандим. Чунки, интернет-кафе компьютерларини банд қилиб ўтирганларнинг асосий қисми турли-туман ўйинлар ўйнашаётган эди. Энди уларнинг машғулотларини астойдил кузата бошладим. Буни қарангки, нафақат ўсмирлар, ҳатто, болакайлар ҳам асосан зўравонлик, ур-сур, бир сўз билан айтганда, олатасир-тўполон ўйинларни ўйнашарди. Кўнглимдаги қувонч ўрнини аллақандай хавотир эгаллаб, интернет-кафени тарк этдим.

Зўравонлик лаззати...

Йўл-йўлакай электрон дисклар сотиладиган дўконга кирдим. Қўлимдаги рўйхатга қараб, ўзимга керакли адабиётларни санай бошладим. Сотувчи ҳайрон. У “йўқ” деб, бошини чайқашдан чарчамади, мен эса адабиётлар рўйхатини ўқишдан чарчамадим. Ҳартугул, биттаси бор экан, “Тил ўрганиш курси машқлари”. Шу орада сотувчи бошқа харидорга хизмат қила бошлади. Харидор 15-16 ёшдаги ўспирин. У **“Counter strike” (“қарама-қарши отишма”)** ва шунга ўхшаш бир қатор ўйин дискларини сўрай бошлади. Мени ҳайратга солгани сотувчи унинг оғзидан чиққан ҳар бир дискни ўша заҳоти муҳайё қиларди. Ўспирин ўзига керакли дискларни қўлига олгач, сотувчи “Янгисидан бор, буниси ашаддийлар учун”, деди. Харидор ҳеч бир гап-сўзсиз бу дискни ҳам ўз “жамғарма”сига қўшиб олди. Сўнг чўнтагидан бир даста пул чиқариб, сотувчининг олдига қўйди...

Мен эринмасдан ўспирин йигитча сотиб олган ҳар бир дискнинг номи билан, сўнг улар нималарни ифода этиши билан қизиқдим. Буни қарангки, у харид қилган барча дисклар, юқорида мен интернет-кафеда гувоҳ бўлганим каби, уруш, зўравонлик ва ўғирликни “тарғиб” (бу ўринда бошқа сўз тополмадим) қилувчи дисклар экан. Ишонмаяпсизми? Унда, марҳамат, уларнинг номи билан танишинг. **“Grand theft auto”, (“Авто ўғирлиги”) “World warckraft “Wrath of the Lich King” “Марҳумнинг қайтиши” “Call of Duty” (“Хизмат қўнғироғи”), “Delta Fokse”, “Strategy” (“Стратегия”)...**

Компьютер ўйинлари билан мен олмоқчи бўлган китобнинг баҳосини солиштирсам орасида фарқ жуда кам. Масалан, оддий **“Gears of war”** ўйини жамланган дискнинг баҳоси 7000 сўм, **“Инглиз тилини ўрганиш курси”** эса 6000 сўм. **“Generals contra”** ўйини 7000 сўм. Янги чиққан ўйинлар эса анча қимматроқ...

Ўйин деб ўт билан ўйнашиш...

Шу ўринда кўнглимда айни мавзуда мақола ёзиш фикри пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам фақатгина бир дўкон ва биргина интернет-кафе билан кифояланмай, бошқаларини ҳам айланишга қарор қилдим. Дўконлар ва интернет-кафелар бир-биридан шинам, чиройли безатилган. Керакли маълумотларни худди кутубхонадагидек, ҳарфлар кетма-кетлигида топиш мумкин.

Дўкон сотувчилари билан суҳбатлашганимда китоб сўраб келувчилар жуда камлигини айтишди. Одатда харидорлар турли фильмлар, қўшиқлар ёки ўйинлар сотиб олиши ҳақида жавоб олдим.

Энг қизиғи шундаки, ушбу ўйинларни нафақат ўспирин болакайлар, балки ота-оналарнинг ўзлари ҳам харид қилишар экан. Ўзлари учун эмас, албатта, фарзандлари уйда ўтириб, ўйин ўйнаб вақт ўтказиши учун.

Навбатдаги интернет-кафега кирганимда ҳамма ўриндиқлар банд экан. Бир кишига мўлжалланган ўриндиқларда икки ва ундан ортиқ болалар жойлашиб олган. Улар жиддий вазифани адо этаётгандек бир-бирига кўрсатма бериб ўтиришарди. **“От”, “Ўнгга қоч”, “Ўлдир” “Калласини чопиб ташламайсанми?”, “Янгисини ўғирла”.** Бошқа бирови ютқазаяпти чоғи, оғзидан ҳар хил беўхшов гаплар чиқа бошлади. Яна бири ғирром ўйнади шекилли, болакай астойдил ўрнидан туриб, шеригини ура кетди. **“Ўлдираман”.** Улар бу сўзларни шунчалик бепарво айтардиларки, четдан қараган одам гўёки **“Ҳа, қалайсан?”**, деб сўрашишаяпти деган хаёлга боради...

Ёзаётган мавзуингиз қачон ишончли чиқади, албатта, қачонки, ўзингиз ҳам уни бошингиздан кечирсангиз. Шунинг учун издиҳомга қўшилиб, мен ҳам ўзимни синаб кўрдим.

Лекин ўйиннинг иккинчи-учинчи дақиқасиданоқ мени қўрқув босди. Қўлига қурол олган “одам”чалар, бир-бирини отиш учун ортидан қувган, атрофларга миналар қўйилган, қаерга қадам ташласангиз портлашлар, қўлсиз, оёқсиз, бошсиз таналар. Тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат...

Хўш, бу ўйинлар ёшларимизга нималарни ўргатаяпти? Уларни тайёрлаб, сотувга чиқараётганларнинг мақсади нима? Улар бизга нимани тарғиб қилишаяпти? Қолаверса, уларнинг фарзандлари ҳам шундай ўйинларни ўйнашадими? Бу қуролланишга, уруш-уруш ўйини орқали отишга, ўлдиришга, зўравонликка чорлов эмасми?..

“Лудомания” – XXI аср касаллиги

Ана шундай қарама-қарши фикрлар оғушида юрганимда НТТ каналида таниқли журналист Гулмира Берманованинг “Одамлар орасида” ток-шоусига кўзим тушиб қолди. Буни қарангки, ушбу кўрсатув ҳам айнан “Лудомания” – (“Лудус” – лотин тилидан олинган бўлиб, ўзбекчада “ўйин” деган маънони англатади) компьютер ўйинларига муккасидан кетиш касаллигига бағишланган экан. Кўрсатувда келтирилган далилларни эшитиб, тўғриси, ёқа ушладим. Ахир бу ўйинларни ишлаб чиқараётган давлатларда ана шундай ўйинларни сотиш тақиқланган экан.

Дунё олимлари “Лудомания”ни бугун XXI аср касаллиги деб атаётгани, энг даҳшатлиси, бу касаллик инсониятга наркомания ва алкоголизм билан теппа-тенг хавф солаётгани ҳақида бонг ураётганига нима дейсиз?..

Менга энг таъсир қилгани, кўрсатув иштирокчиси, кекса онахоннинг сўзлари бўлди. Бу сўзларни сиз ҳам ўқиб кўринг-а:

– Саккиз ёшли набирам “Буви, бизда қачон уруш бўлади?” деб сўраб қолди. Тўғриси, унинг саволини эшитиб, сесканиб кетдим. Кейин секингина “Болам, урушни нима қиласан? Ахир уруш ёмон нарса-ку”, десам, “Бувижон, мазза қилиб одам отардим”, деб жавоб қайтарди. Шундан сўнг унинг машғулотларини кузата бошладим. Қарасам, асосий вақтини компьютер қаршисида ўтказар экан. Ота-онаси кун бўйи ишда. Мен ҳам уни бош кўтармай компьютерда “дарс” қилишидан хурсанд бўлиб юраверган эканман. Бундай қарасам, у кун бўйи компьютерда “уруш-уруш” ўйнар экан...

Назаримда ушбу мақолага онахоннинг сўзларидан ҳам яхшироқ хулоса қилиб бўлмайди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Талқин

Инсон улуғ

унинг манфаатларини ҳимоя қилиш эса олижаноблик саналади

ИНСОН ҳуқуқлари — бу жамиятнинг энг олий қадрияти, муҳим конституциявий институти, инсониятнинг интилишлари, орзу — умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунча, ҳозирги тараққиётнинг асоси ва давр талабидир.

ЎТГАН ДАВР мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилди.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ҳар бир давлат ўзининг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашдаги муҳим мезони инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратиш билан белгиланади. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқулари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутади. Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, 2008-2009 йиллар давомида бир нечта қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминловчи, мустақил ва кучли адвокатурани шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган яна бир муҳим ҳужжат десак хато бўлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, амалга оширилаётган жамики ислоҳотлар инсон манфаатлари йўлида, унинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазаси йўлида хизмат қилмоғи керак.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари инсоният тарихида энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган, инсон шаъни, қадр-қимматини камситиш, қўлликка солиш, оиласидан, ватанидан жудо қилиш, мажбурий меҳнатга тортиш каби салбий ҳолатлар дунёнинг турли бурчакларида содир этилмоқда. Ўзбекистонда **“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги **“Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорининг эълон қилиниши демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида танланган “Ўзбек модели” тўла самара билан ишлаётганидан, юртимизда тинч, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг турмуш тарзини юксалтириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганлигидан ҳамда инсон қадр-қиймати олий қадрият сифатида эътироф этилаётганлигидан далолат беради.

Мавлуда АШИРБОЕВА,
ТДЮИ магистранти,
Дурдона ФАЙЗИЕВА,
талаба

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Хужайли ва Чимбой тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;

Навоий вилояти адлия бошқармаси Учқудуқ шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Навоий вилояти адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8-361) 223-15-82, 223-81-71,
Навоий вилояти адлия бошқармаси телефони: (8-436) 223-01-38, 223-95-90

Навоий вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 11 майдаги 8/2-қарорига асосан Учқудуқ шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус К.Туремуратовга Зарафшон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқи берилганлиги сабабли Учқудуқ шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус “К.Туремуратов”нинг фаолияти тугатилмоқда.

Даъволар икки ой муддатда қабул қилинади.

Тел: 8(436) 593-08-08

1993 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон илмий-техник “Тараққиёт” ассоциацияси фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 11 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 144-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Фатхиддин Расуловга падари бузруквори **ТЎХТА** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зариф Давроновга онаси **Ўғилой ая ДАВРОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими мудири Марҳамат Юлдашевага укаси **Умар ЮЛДАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Рахимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-615. Тираж — 15955. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 4 5 6 7